



Ўзбекистон Республикаси  
Курилиш вазирлиги

№ 7725-8062-ff20-af8e-ea24-4575-3255  
Хужжат яратилинган сана: 2022-08-19  
Ариза рақами: 57189172

Хужжат берилган: "O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI AKADEMIYASI" DAVLAT MUASSASASI  
ЖШ ШИР: 202234191

## АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ

### ТОПШИРИФИ

19.08.2022 10:33 й.

1726-1726269-48555 -сон

<b>Лойиҳавий бино (иншоот) тури:</b>	Академия профессор-ўқитувчилари ва ходимлари учун кўп хонадонли турар-жой сифатида қайта ихтисослаштириб реконструкция қилиш.
<b>Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:</b>	Мирзо Улуғбек тумани, Гулбаданбегим кўчаси, 47-й.
<b>Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:</b>	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ.

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий хужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Курилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси, 51-й.

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	<b>Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган хужжатлар</b>	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани қурилиш бўлимининг 2022 йил, 12-апрелдаги, №1726269-46200-сонли руҳсатнома. - Мирзо Улуғбек тумани Давлат хизматлари марказининг ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИГА тегишли 2022-йил, 16-августдаги №57189172-рақамли олинган электрон буюртмаси.
2	<b>Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни</b>	Объект Мирзо Улуғбек тумани, Гулбаданбегим кўчаси, 47-й манзилида, жамоат ва турар-жой мавзесида жойлашган; - Объект жойлашган худуд, турар-жой зонасига мансуб бўлиб, аҳоли пунктининг амалдаги ва аввалги бош режасига асосан жойлашган; - Объект муҳандислик тармоқлари билан таъминланган;

3	<b>Лойиҳалаштириладиган объект худудининг табиий-иклим кўрсаткичлари</b>	Шахарсозлик хужжатлари ишлаб чиқилаётгани ер участкаси IV Б - иқлим (климат) худудида жойлашган. Ҳаво ҳарорати: Ўртacha йиллик 25,1°C Баланд ҳарорат 40 °C Паст ҳарорат - 14 °C
4	<b>Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги</b>	- Объектнинг инженерлик ҳолатини ўрганиш учун "Қурилишда мухандислик қидиурвлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий текшириш Давлат институти" Давлат унитар корхонасига ёки тегишли лицензияга эга ташкилотга 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилиши лозим. - Ер майдонининг чегаралари 1:2000 нисбатдаги топохаритада тахминий кўрсатилган бўлиб, ўзларига тегишли худудида қайта ихтисослаштираётган ва реконструкция қилинаётган кўп хонадонли турар-жой биносини жойлаштириш ишлари 1:500 нисбатдаги топохарита ва инженер геологик хулосаларга асосан олиб борилсин ҳамда шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқувчи ташкилот ва туман Курилиш бўлими бошлиғи (Бош архитектори) томонидан чегараларига аниқлик киритилсин.
5	<b>Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга тулаш объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот</b>	- Лойиҳалаштирилаётган объект жамоат турар-жой мавзесида жойлашган, ҳамда куйидагича бинолар билан чегараланган: Шимол томондан якка тартиbdаги турар-жой бинолари билан чегараланган; Жануб томондан Гулбаданбеким кўчаси билан чегараланган; Шарқ томондан 2-қаватли турар-жой билан чегараланган; Farb томондан 2-қаватли турар-жой билан чегараланган.
6	<b>«Қизил чизиқлар ва белгилар»</b>	Объект ер участкасининг тасдиқланган чегарадан чиқмасдан, Гулбаданбеким кўчасини қизил чизиғига ва қурилиш чизиқларига амал қилган ҳолда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлаш.


	<p><b>7 Архитектура талаблари</b></p>	<p>- Ўз ер участкасини юридик хужжатга эга бўлган қисмида Академия профессор-ўқитувчилар ва ходимлари учун кўп хонадонли турар-жой сифатида қайта ихтисослаштириб реконструкция қилиш бўйича шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши жараёнида ШНК 2.07.01-03* шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги шартлари бажарилсин. - Лойиҳалаш жараёнида объектни, ён атрофида қурилган биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўринишини (ансамблини) ташкил этиш инобатга олинсин. - Лойиҳа ишларини бошлашдан аввал тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотининг қайта ихтисослаштириб реконструкция қилинаётган кўп хонадонли турар-жой биносининг ҳозирги ҳолатини (конструкцияларнинг чидамлилик ҳолати) акс эттирувчи хулосаси олиниши шарт. - Лойиҳалаштирилаётган объект жамоат ва турар жой бинолари оралиғида жойлашганилиги сабабли, мавжуд бинолардан Экология, Санитария, Фавқулотда вазиятлар ва Ёнғиндан сақлаш нормалари ҚМҚ меъёрлари асосида оралиқ сақлансан, хамда ахоли ва жамоат фикрини инобатга олган ҳолда оралиқ масофалар, кўринмаслик даражасини қаватлар сонини, қуёш нурини (инсолиция) тушишини хисобга олинси.. - Лойиҳалаштирилаётган объектнинг таркиби, ўз худудида жойлашуви ва хажми лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши жараёнида тасдиқланган ва келишилган «Лойиҳа топшириқлари» асосида белгилансин. - Объектни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа ишлари «Ёнғиндан сақлаш» ШНК № 02.01.02-04 тадбирлари асосида олиб борилсин. - Объект худудига автомашиналарни кириш ва чиқишлари Йўл харакати хавфсизлиги нормалари асосида лойиҳалаштирилсин. - Объект кўринишидаги дераза эшиклар, кириш чиқишлар, майда меъморий элементлар, парапед ва цокол қисмларига алоҳида эътибор қаратилсан. - Лойиҳа хужжатларида ташқи кузатув воситаларини жойлаштириш лозим. - Лойиҳа ташкилоти, Архитектура Режалаштириш Топшириқларига, буюртмачи томонидан тасдиқланган «Лойиҳа топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсан. - Объектнинг бош режасини лойиҳалашда шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан, ўзига тегишли ҳудуд чегарасидан чиқмаган ҳолда “Қурилиш қоидалари ва меъёрлари” талаблари асосида умумий ер майдонидан “Худудий фойдаланиш баланслари” инобатга олинган ҳолда қайта ихтисослаштириб реконструкция қилинаётган кўп хонадонли турар-жой биноси туширилган (жойлаштирилган) атрофида ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш ишлари ҳамда кичик архитектуравий шакллар акс эттирилган, автомобил тўхташ жойлари кўрсатилган 1:500 нисбатдаги бош плани ишлаб чиқилсан.</p>
<p><b>8</b></p>	<p><b>Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар</b></p>	<p>- Ўзига тегишли ҳудудида бузиладиган бино ва иншоотлар лойиҳа асосида аниқлансан.</p>
<p><b>9</b></p>	<p><b>Объектни босқичма-босқич қуриш</b></p>	<p>- Шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқиш икки босқичдан, реконструкция ишлари бир босқичдан иборат.</p>

10	<b>Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш</b>	<p>- Лойиҳа хужжатларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмida объект атрофида игна баргли, манзарали дараҳтлар ва мавсумий кўркамлик даражаси бор бўлган кўчат ва гуллар ўтказилиши инобатга олинсин. - Кўкаламзорлаштириш худудларини кўк чимлар билан қоплашга, ландшафт архитектурасига эътибор берган ҳолда экилган дараҳтларга шакл берилсин. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил, 30-ноябрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон атроф муҳитни саклаш концепцияси»га асосан, ҳамда Мараторийдан келиб чиқиб кўп йиллик дараҳтлар саклаб қолиниши шарт.</p>
11	<b>Санитария-гигиена талаблари</b>	<p>- Санитария гигиена талаблари (ШНК) 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда( СҚ ва М) 0350-17. (СанП иН) асосан лойиҳалаштирилсин. -Лойиҳалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шарт;</p>
12	<b>Ёнғиндан сақланиш талаблари</b>	<p>Объект «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги» ШНК 2.01.02-04 га асосан лойиҳалаштириш.</p>
13	<b>Экология талаблари</b>	<p>Лойиҳалаштиришда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилиш.</p>
14	<b>Лойиҳани келишиш</b>	<p>- Шаҳарсозлик хужжатларини, лойиҳалаш ташкилоти томонидан, Бош бошқарма қошидаги «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашига» ўрнатилган қуидаги тартибда келишиш учун тақдим этилиши керак: - Объект биноси жойлашган худуднинг чегаралари ва қизил чизиқлари туширилган 1:500 нисбатдаги топохаритада ҳудуднинг бош режаси; - Бино ва иншоотларнинг тарз ва ён кўринишлари; - Бино ва иншоотларнинг тарҳи, қирқимлари ва хоналар экспликацияси; - Объектнинг ҳолати ва мавжуд бино ва иншоотлар билан боғлиқлиги (развёртка фасадов) ва фотосуратлар; - Перспектива; - Дастлабки эскиз лойиҳалари ва бош плани қуидаги шаҳар мутасадди идоралари билан келишилган бўлиши керак; - Шаҳар Санитария-эпидемиялогик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати маркази; - Шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси; - Шаҳар Фавқулотда вазиятлар бошқармаси;(зарур холларда) - Шаҳар Йўл харакати хавфсизлиги бошқармаси; - Шаҳар Ногиронлар жамияти; - Лойиҳа хужжатлари «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгashi»нинг ижобий хulosасидан сўнг, Экспертиза бошқармасига тақдим этилсин. Келишиш учун лойиҳа-смета хужжатларининг электрон кўринишдаги эскиз лойиҳаси илова қилинади. Илова қилинадиган хужжатлар PDF ёки JPEG форматда бўлиши керак.</p>

15	<b>Кўшимча талаблар</b>	<p>- Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ШНК 1.03.01-16нинг 1.13 банди талаблари бажарилсин. - Шаҳарсозлик хужжатларини белгиланган тартибда «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг тавсияномаси ва Экспертиза хulosаси бўйича кўрсатилган камчиликларни бартараф этади.</p> <p>- Реконструкция ишларини бошлашдан аввал «Тошкент шаҳар қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси»дан реконструкция (курилиш-монтаж) ишларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш шарт. - Реконструкция ишлари тугагандан сўнг, ҳудуднинг ижро топотасвирини бажариб, “Қурилишда мухандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиха илмий текшириш Давлат институти” Давлат унитар корхонасига топширилади.</p>
----	-------------------------	---

**Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:**

16	<b>Ичимлик сув тармоғи</b>	<p>- Буюртмада талаб этилмаган.</p>
17	<b>Оқава сув тармоғи (канализация)</b>	<p>- Буюртмада талаб этилмаган.</p>
18	<b>Электр тармоғи</b>	<p>- Буюртмада талаб этилмаган.</p>
19	<b>Газ тармоғи</b>	<p>- Буюртмада талаб этилмаган.</p>
20	<b>Телефон алоқа тармоғи</b>	<p>- Буюртмада талаб этилмаган.</p>
21	<b>Иссиклик ва иссик сув тармоғи</b>	<p>- Буюртмада талаб этилмаган.</p>
22	<b>Дренаж тармоғи</b>	<p>- Буюртмада талаб этилмаган.</p>
23	<b>Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиха ташкилотига қўйилаётган талаблар</b>	<p>- Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиха ташкилотига қўйилаётган талаблар: - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил, 9-декабрдаги ПК-4545-сонли карорининг бандлари бажарилсин; - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2018 йил, 26-декабрдаги «Электр тармоғи хужалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1050-сонли, хамда 1998 йил 15- майдаги, 210-сонли қарорига асосан, телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидаларига амал қилинсин. - Ер ости муҳандислик иншоотларини еткизишида кучаларни ёпик холда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин. - Муҳандислик тармоқлари ётқизилгандан сўнг, унинг ижро сурати тушурилган 1:500 нисбатдаги топохаритаси “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиха илмий текшириш Давлат институти” Давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар филиалига топширилсин.</p>
24	<b>Архитектура-режалаштириш топширигининг амал қилиш муддати</b>	<p>Ушбу АРТ берилган санадан бошлаб икки йил давомида амал қиласи.</p>



## ТАБРИФНОМА

1 Ўз Республика Академия профессор-үкітүвчилари ва ходимлари учун күп хонадонлы турар-жой сифатыда қайта ихтисослаштырыб реконструкция қилиш бүйічі шаһарсозлық хуяжысталарини ишлаб чиқыш учун 1-индекс билан күрсатылған жой.

- 2 ва 4-қаватли турар-жой бинолари.
  - Болалар боғчаси биноси.
  - Якка тартибдаги шахсий турар-жой бинолари.

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИФИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:**

<b>Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиши бўлими раҳбари:</b>	О.Дониев
<b>Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:</b>	Р.Азизов

**АРТ лойиҳаолди ҳужжат бўлиб, ер участкаси ёки бино ва иншоотга мулк ҳукуқини тасдиқламайди ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.**

DONIYEV OYBEK ORZIYEVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъяян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигинигеро.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

9951

